

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИЗАМОВ ФУРКАТ ОЧИЛОВИЧ

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИ РЕЦИДИВИНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИДА ХИРУРГИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ВА
ХИМИОТЕРАПИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Мизамов Фуркат Очилович

Жигар эхинококкози рецидивининг профилактикасида хирургик даволаш усуллари ва химиотерапияни такомиллаштириш..... 3

Мизамов Фуркат Очилович

Оптимизация методов хирургического лечения и химиотерапии в профилактике рецидива эхинококкоза печени 21

Mizamov Furkat Ochilovich

Optimization of methods of surgical treatment and chemotherapy in the prevention of recurrence of liver echinococcosis 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИЗАМОВ ФУРКАТ ОЧИЛОВИЧ

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИ РЕЦИДИВИНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИДА ХИРУРГИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ВА
ХИМИОТЕРАПИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2901 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Курбаниязов Зафаржон

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Ўроқов Шухрат Тўхтаевич

тиббиёт фанлари доктори

Акбаров Миршавкат Миралимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

А.В. Вишневский номидаги Миллий тиббиёт илмий хирургия маркази Федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А. Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда эхинококкоз билан 1 млндан ортиқ одам касалланган бўлиб, турли аъзо ва тўқималар орасида эса 44-84% ҳолатларда жараён жигарда жойлашган бўлади. Беморлар сонининг камайиш тенденцияси йўқлиги ва касалланиш даражаси ҳар 100 минг аҳолига 1,2 дан 9,0 гача бўлган эндемик ҳудудлар мавжудлиги сабабли ушбу паразитар касаллик жиддий тиббий ва ижтимоий муаммолигича қолмоқда. Ҳозирги замонда жигар эхинококкози диагностикаси катта қийинчиликлар туғдирмайди, бу асосан ноинвазив визуализация усулларининг пайдо бўлиши билан бирга боғлиқ бўлиб, уларнинг комплекс қўллашдаги информативлиги 95-100% етади. «Операциядан сўнгги асоратлар суръатининг анча юқори бўлиши (12-34%) ва касаллик қайталанишининг кўплиги (15-64%) кенг тарқалган хирургик тактикалар самарадорлиги ва ишончлиги йўқлигидан дарак беради»¹. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу паразитар касаллик профилактикаси ва давосини такомиллаштириш ва янги самарали чораларни ишлаб чиқиш зарурияти аён бўлади.

Жаҳон амалиётида касалликнинг кечиш оғирлиги даражасини баҳолаш морфо-функционал мезонларини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, уларнинг даражаси кичик бузилишлардан то жигар циррозигача олиб келадиган гепатоцитлардаги морфофункционал ўзгаришларга эхинококкнинг таъсирини ўрганишдан иборат. Хўжайин иммун жавобини ўзгартиришга ва уларнинг йўқ қилинишини олдини олишга қаратилган метоцестодларнинг комплекс мураккаб ҳимоя реакцияси, бунда паразит иммуномодуляцион молекулаларни ишлаб чиқариш орқали иммунитет тизими таъсирини камайтиради ва шу билан лейкоцитлар фаолиятини ўзгартириб ёки молекуляр мимикрия феноменини қўллаб қоплам тизимининг фаоллигига тўсқинлик қилишини ўрганиш борасида тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Одамларда эхинококкоз билан касалланиш ушбу хавф омилларига тўғри пропорционал бўлганлиги сабабли эпизоотик жараённинг турли даражадаги интенсивлиги билан зооноз ўчоғларини шакллантириш учун иқлимий, географик, ижтимоий ва иқтисодий шароитларни ўрганиш масалалари алоҳида устувор вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хусусан, шошилиш жарроҳлик касалликларини ташхислаш ва даволаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг 5-мақсад, 4-қисм, 7 устувор йўналишида 2022-2026 йилларга мўлжалланган «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023

¹ Чжао А.В., Икрамов Р.З. Хирургическое лечение эхинококкоза печени // Хирургия. Приложение к журналу Consilium Medicum. – 2016. – №. 2. – С.15-17.

йилларга мўлжалланган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш...»². Шунга кўра, жигар эхинококкози бўлган беморларни даволашда хирургик тактикани такомиллаштириш орқали юзага келиши мумкин бўлган асоратларни камайтириш орқали даволаш сифатини яхшилаш тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эхинококкозни ташхислаш ва даволашдаги эришилган ютуқларга қарамасдан, ҳозирги вақтда ушбу касалликнинг тарқалиши етарли даражада юқориликча қолмоқда. Du L. et al. (2019) фикрича, эхинококкоз эрта ташхиси ҳалигача ўзининг қониқарли ечимини топмади, бу касалликнинг дастлабки босқичларида беморларда симптомларнинг йўқлиги билан боғлиқ.

Эхинококкозни специфик клиник-лаборатор белгиларининг йўқлиги диагностикада инструментал текшириш усуллари ва иммун-серологик тестларни биринчи ўринга қўяди. Интраоперацион хирургик тактика масалалари илмий адабиётларда кенг муҳокама қилинади ва ҳанузгача аниқ ечимга эга эмас. Нафақат паразит, балки унинг атрофидаги бириктирувчи тўқимани ҳам радикал усулда олиб ташлаш улуши кичик бўлиб, у 3,8-30% ни ташкил этади, бу эса ўз навбатида операциядан кейинги даврда касаллик қайталанишига (15-64%) олиб келади (Higueta N.I.A., 2022). Қайталанган эхинококкозда оператив аралашувлар техник мураккаблиги билан ажралиб туради, касалликни кўп марталаб қайталанишида эса хирургик аралашувни ҳажми ва характериға нисбатан тактик муаммолар туғилади.

²О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60 son «2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni

Жигар эхинококкозини даволашда бир нечта йўналишлар мавжуд: булар традицион оператив аралашув, операциядан олдинги ва кейинги даврларда химиотерапиядан сўнг ультратовуш ва компьютер томография назоратида паразитар кисталарни перкутан пункцион-дренажлаш орқали даволаш ва эндовидеохирургик усуллари. Бироқ, жигар эхинококкозида очик оператив аралашуви кундалик амалиётда энг қулай йўналиш бўлиб қолмоқда (Lorenz A., Nebiker C.A., 2021).

Фиброз қобикда сколекслар инвазияси кўплаб тадқиқотларда ўз исботини топганлигига қарамасдан, хирургларни унга нисбатан муносабати ноаниқ бўлиб қолмоқда (Graeter T. et al., 2020). Айрим клиницистлар фиброз қобикни тўлиқ антипаразитар ишлов берилгач қолдиришни асосли деб ҳисоблашади. Бошқалари эса уни бутунлай олиб ташлаш радикал деб ҳисоблашади.

Qu B. et al. (2019) фикрига кўра, эхинококкозда радикал тарзда бажарилган хирургик аралашувларнинг улуши 21-53% дан ошмайди. Бунинг сабаби, киста ва жигарнинг трубкали элементлари ўртасидаги топографо-анатомик хусусиятларнинг ўзига хослиги перицистэктомияни бажаришга имкон бермаганлиги ва жигарнинг кенг кўламли резекцияси эса ўзини оқламаганлигидир. Шундай қилиб, оптимал оператив аралашув усулини танлаш ва уни қандай тарзда бажариш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Эхинококкоз касаллигининг қайталаниши профилактикасида фақатгина паразитар кистасини олиб ташлаш техникасини такомиллаштиришгина орқали муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунини таъкидлаш лозимки, оператив аралашувнинг «тозалиги», самарали гермицидлардан фойдаланиш, операция жараёнида абластиклик қоидаларига қатъий риоя қилиш ва мукамал асбоблардан фойдаланиш касалликнинг қайталанишини тўлиқ истисно қилмайди. Шунинг учун кейинги химиотерапия касалликнинг пировард натижасига катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, замонавий диагностика усуллари билан аниқлаш мумкин бўлмаган кичик ўлчамдаги эхинококк сколексига таъсир қилиш ҳам муҳимдир.

Ҳозирги вақтда жигар эхинококкозини даволаш ва диагностика тактикаси замонавий соғлиқни сақлашнинг энг долзарб ва охиригача ҳал этилмаган муаммоларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган илмий-тадқиқот муассасасида илмий-тадқиқот ишларининг режаси билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг «Жигар эхинококкози билан беморларда диагностика ва хирургик даволашнинг такомиллашлаган усуллари ишлаб чиқиш» (2017-2022 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жигар эхинококкози рецидивининг профилактикасида хирургик даволаш усуллари ва химиотерапияни такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эхинококк кисталарининг морфологик ўзгаришлари, жигарнинг кўплаб зарарланганлиги, кистанинг фиброз капсуласига ишлов бериш усули ва профилактик химиотерапия адекват курсини ўтказилганлигига қараб жигар эхинококкози қайталанишига сабаб бўлган омилларни таҳлил қилиш;

тажрибада жигарни эхинококкоз билан кўп зарарланишининг эҳтимоли ва хусусиятларини аниқлаш ва химиотерапия курсини коррекция қилишда альбендазолнинг турли дозалари самарадорлигини аниқлаш;

жигарнинг сурункали диффуз патологияси мавжуд беморларда жигар эхинококкози қайталанишининг профилактикасида химиотерапия курсини коррекция қилишни клиник жиҳатдан асослаш;

жигар эхинококкози қайталаниши профилактикасида тавсия этилган хирургик даволаш ва химиотерапия усуллариининг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида операция қилинган 441 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети сифатида жигар эхинококкози билан беморларда комплекс текшириш, хирургик даволаш ва химиотерапия, альбендазолнинг турли дозаларини қўллаш фонида экспериментал ҳайвонларда жигарни морфологик текшириш натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: клиник, инструментал (ультратовуш, нурли диагностика усуллари), морфологик ва ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жигар эхинококкози қайталанишининг асосий сабаби қўшимча равишда жигарнинг диффуз шикастланиши фонида операциядан кейинги даврда альбендазолнинг токсик таъсири туфайли беморларнинг химиотерапиядан воз кечиши эканлиги аниқланган;

тажрибада жигарнинг макроскопик аниқланган кистасидан узокроқда катта киста олиб ташлангандан кейин ўсиши мумкин бўлган микроскопик эмбрион цисталар аниқланиши фиброз капсулага антипаразитар ишлов берилганлигига қарамадан операциядан кейинги даврда химиотерапия ўтказиш зарурлигини кўрсатган;

2 ҳафта давомида тана вазнига нисбатан кунига 10-15 мг дозада ва 3 ҳафта давомида тана вазнига нисбатан 5-7 мг дозада альбендазол билан химиотерапия ўтказилганда паразитнинг эмбрион цистаси атрофида пролифератив-продуктив хужайрали реакцияларни кучайтиради, бу эса эхинококк сколексларининг ўсишини тўхтатиб уларнинг ўлимига олиб келиши исботланган;

жигарнинг қўшимча сурункали диффуз патологияси мавжуд беморларда жигар эхинококкози қайталанишининг профилактикаси мақсадида сутка давомида тана вазнига нисбатан альбендазолнинг 5-7 мг дозада коррекция қилинишининг клиник жиҳатдан самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

беморларнинг *Echinococcus hominis* га мос келадиган морфологик белгилари билан илгари операция қилинган 2/3 қисмида, 1/3 қисми - *Echinococcus veterinorum* қайталанган жигар эхинококкози билан беморларда ва аксарият ҳолларда (90%) жигарнинг кўп сонли кисталарида ушбу тоифадаги беморларда кечиктириб бўлмас даражада химиотерапия курсини ўтказиш лозимлиги кўрсатиб берилган;

альбендазол кунига тана вазнига нисбатан 10-15 мг дозада қўлланилганда паразитнинг эмбрион цистаси атрофида пролифератив-продуктив ҳужайрали реакцияни кўчайиши 2 ҳафта мобайнида, қачонки кунига тана вазнига нисбатан 5-7 мгдан қўлланилганда эса кузатувнинг 3-ҳафтасида кузатилган, ушбу ҳолат альбендазолнинг тавсия этилган дозаси қўлланилганда кузатилиши мумкин бўлган токсик реакцияни (жигарнинг диффуз касалликларида) узайтирилган курсли даволашда коррекция қилиш имконини берган;

сурункали гепатит ва жигар циррози, шунингдек, жигар ферментлари бошланғич (операциягача) юқори кўрсаткичларида альбендазол дозасини коррекция қилиш унинг токсик таъсирини камайтириш имконини берган ва шунга мос равишда антипаразитар терапиянинг тўлиқ курсини таъминлаган;

профилактик химиотерапиянинг тавсия этилган усули касалликнинг қайталаниш суръатини камайтириш орқали ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда кўриб чиқилган муаммолар ечимининг жигар эхинококкози билан беморларни хирургик даволаш ва ташхислашнинг замонавий илмий-амалий қарашлар ва ёндашувларига асосланганлиги билан белгиланади. Тадқиқотдаги хулосалар Студент меъзони, ишончлилик интервали ва ишончлилик эҳтимолини ҳисоблаш орқали вариацион таҳлил каби замонавий математик статистика усуллари ёрдамида қайта ишланган натижалар асосида олинганлиги ва ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосаларнинг назарий аҳамиятга эгаллиги ҳамда жигар эхинококкози билан беморларни даволашда замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга замин яратиши билан изоҳланган. Жигарда бирламчи эхинококк пуфагидан узоқ соҳаларда кейинги ўсишга қодир бўлган микроскопик кўринишдаги эмбрион микроцисталар аниқланиши, экспериментда эхинококкоз қайталанишининг профилактикаси самарадорлигини антипаразитар препаратнинг дозасини коррекция қилиш имкони ҳисобга олинган ҳолда аниқланиши, жигар эхинококкози қайталанишига олиб келувчи асосий фактор операциядан кейинги химиотерапия адекват курсининг йўқлиги ҳисобланиши, жигар эхинококкози билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашда стандарт химиотерапия курси ёки беморларда жигарнинг қўшимча сурункали диффуз

патологияси бўлган ҳолларда унинг коррекция қилинган курсини ўтказиш орқали эришиш мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижасида олинган асосий хулосалар ва амалий тавсиялар жигар эхинококкози билан беморларни диагностикаси ва даволаш турли тоифадаги даволаш профилактика муассасаларида ташхислаш ва даволаш учун қўллаш мумкинлиги, жигарнинг сурункали диффуз касалликлари билан беморларда операциядан кейинги даврда жигар эхинококкози қайталаниши профилактикаси борасида тавсия этилган профилактик дозанинг самарадорлиги исботланганлиги, жигар эхинококкозини замонавий нуқтаи назардан хирургик даволаш ва факторли баҳолашга асосланган даволаш-диагностик тадбирларининг оптимал алгоритми тавсия этилганлиги, клиник-лаборатор кўрсаткичларга кўра альбендазол билан химиотерапия пайтида ножўя реакцияларнинг ривожланиш эҳтимоли жигарнинг сурункали диффуз патологияси бўлган беморларда препаратнинг токсик таъсири билан боғлиқлиги исботланганлиги, операциядан кейинги даврда хирургик тактика ва химиотерапияни оптималлаштириш даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ қилиниши. Жигар эхинококкози билан беморларни диагностикаси ва хирургик даволашни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жигар эхинококкози диагностикаси ва хирургик давосини оптималлаштириш имконини берган «Жигар эхинококкозини диагностикаси ва хирургик даволаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 октябрдаги 8н-р/1175 маълумотномаси). Услубий тавсиянома жигар эхинококкозида оператив аралашув йўлини танлашда комплекс ёндашув, қолдиқли бўшлиққа ишлов бериш ва уни бартараф этиш ҳамда профилактик химиотерапияга комплекс ёндашув орқали хирургик даволаш тактикасини танлашни мақбуллаштириш имконини берган;

жигар эхинококкози билан беморлар диагностикаси ва хирургик даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш, хусусан, Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг хирургик бўлимлари амалий фаолиятига жорий қилинган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2023 йил 3 мартдаги 3-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши операциядан кейинги эрта асоратлар суръатини 9,9% дан 4,7% гача, касаллик қайталанишини 18,6% дан 2,6% гача пасайтириши ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 103 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жигар эхинококкози диагностикаси, хирургик даволаш ва химиотерапиянинг ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида жигар эхинококкози этиопатогенези, даволаш ва ташхислашнинг замонавий усуллари, шунингдек, ушбу патология билан беморларни юритишнинг долзарб масалалари моҳиятини очиқ берувчи адабиётлар шарҳи берилган. Ушбу бобда муаммонинг ҳолати, жигар эхинококкозини классификация масалалари, жигар эхинококкозининг замонавий диагностика усуллари, уни хирургик даволаш усуллари баён этилган.

Диссертациянинг **«Материал ва қўлланилган текшириш усуллариининг клиник характеристикаси»** деб номланган иккинчи бобида материал ва текшириш усуллари баён этилиб, клиник материал ҳамда клиник ва инструментал текшириш усулларига умумий тавсиф берилган. Тадқиқот асосини Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси хирургия бўлимида стационар шароитда даволанган 441 нафар беморнинг даволаш натижалари ташкил этган. Беморлар шартли равишда икки гуруҳга бўлинган: таққослаш гуруҳини 2012-2016 йй. давомида стационар шароитида даволанган 252 (57,1%) нафар бемор ташкил қилган бўлса, асосий гуруҳни 2017-2021 йй. давомида даволанган 189 (42,9%) нафар бемор ташкил этган.

Аёл жинсига мансуб пациентлар кўпчиликини ташкил этган: аёллар 296 (67,1%), эркаклар 145 (32,9%) нафар. Пациентларнинг ёши 16 дан 76 ёшгача бўлиб, уларнинг ўртача ёши $41,2 \pm 2,6$ ни ташкил этган. Иккала тадқиқот гуруҳларида беморлар ёши ва жинси бўйича тақсимланиши бир хил бўлган.


441 нафар бемордан 342 (78,1%) пациентда жигар эхинококкози бирламчи аниқланган, 97 (21,9%) бемор касалликнинг рецидивини билан муносабат қилган,

14 бемор эса икки марта ва 5 нафар беморда уч ва ундан ортиқ операция ўтказилган (5 мартагача).


Кисталарнинг сонига боғлиқ ҳолда асосан кўп сонли жигар эхинококкози устунлик қилган - 269 (60,1%). Шу билан бирга, 172 (39,9%) беморда битта киста аниқланган. Жигарда эхинококк кисталари асосан (80% дан ортиқ ҳолатларда) VI, VII и VIII сегментларда жойлашганлиги аниқланган. Эхинококкоз билан касалланган беморларда 2 дан 17 гача бўлган кўп сонли кисталар учради. Жигардаги кисталарнинг ўлчамлари 1 дан 20 смгача ёки ундан ортиқ бўлиб, таркибида бир неча миллилитрдан то 3 литргача суюқлик ҳажми аниқланган.

Беморларнинг аксарият қисми – 407 (92,3%) нафар стационарга касалликнинг асоратсиз кечиши клиник белгиларисиз мурожат қилган. 34 (7,7%) бемор клиникага касалликнинг асорати билан ётқизилган бўлиб, шулардан 7 (1,6%) бемор эхинококкоз кистасини қорин бўшлиғига ёрилиши оқибатида перитонеал симптоматика билан ётқизилган, 11 (2,5%) бемор эхинококк кистасини ўт йўлларига ёрилиши натижасида холангит, 16 (3,6%) бемор эса кистани йиринглаши туфайли гипертермия ва интоксикация клиникаси билан ётқизилган.

Қўлланилган диагностика усуллари жигар эхинококкозини дифференциал ва топик характеристикасини аниқлаш мақсадида йўналтирилган (1-, 2-расм).



1-расм. 36 ёшли, Ж., исмли беморнинг жигар УТТ: жигар ўнг бўлагининг эхинококк кистаси.



2-расм. 34 ёшли, Д., исмли беморнинг КТ: жигар ўнг ва чап бўлақларининг кўп сонли эхинококк кисталари.

Экспериментал тадқиқотлар Самарқанд давлат тиббиёт университети базасида ўтказилди. *In vivo* шароитида альбендазолни эхинококкнинг эмбрион формаларига таъсири ўрганилган. Биологик проба (*in vivo* экспериментал баҳолаш) 20 – 32 кг вазндаги 32 қўйларга қўйилган.

Лаборатор ҳайвонларда экспериментни ўтказиш жараёнида биомедицина этикасининг мос талабларига риоя қилинган.

Морфологик тадқиқотлар СамДТУ кўп тармоқли клиникасининг патологоанатомик лабораториясида 400 мартаба катталаштириб, гемотоксилин – эозин билан бўяб ёруғлик микроскопи остида кўриш орқали ўтказилган.

Диссертациянинг бажарилиш жараёнида олинган барча рақамлар анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида статистик таҳлил қилинган. Диссертация ишини бажаришни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинган.

Диссертациянинг «**Жигар эхинококкози рецидивининг факторли таҳлили**» деб номланган учинчи бобида ўрганилган беморларда жигар эхинококкози рецидиви келиб чиқиш таҳлили келтирилган.

Клиник тадқиқотларда таққослаш гуруҳидаги 252 операция қилинган беморларнинг 47 (18,6%) нафарида жигар эхинококкозининг рецидиви аниқланган. Кўп сонли жигар эхинококкози билан операция қилинганларнинг аксариятида (87,2%) касалликнинг рецидиви кузатилган, 61,7% ҳолатда кистанинг рецидиви *Echinococcus hominis* морфологик типига, 38,3% *Echinococcus veterinorum*, рецидив аниқланмаган пайти эса *Echinococcus acephalocystis* типларига тўғри келган. Бунда жигар эхинококкозининг рецидиви 2/3 беморларда *Echinococcus hominis* морфологик типига мос бўлган беморларга тўғри келган бўлса, 1/3 қисми – *Echinococcus veterinorum* типига мос келган ва кўпчилик ҳолатларда бу кўп сонли жигар кисталарида учраган, бу ҳолат ўз навбатида ушбу категориядаги беморларда албатта адекват химиотерапия курсини ўтказиш лозимлигини кўрсатади.

Рецидив эхинококкози билан барча кузатувларда операциядан кейинги даврда ушбу беморларда тўлалигича химиотерапия курси ўтказилмаганлиги аниқланган. 68% ҳолатда химиотерапиядан бош тортишнинг сабаби альбендазолнинг токсик таъсири бўлса, 14,9% ҳолатда химиотерапияни курсини тўлиқ ўтказилмаганлиги ва 19,1% ҳолатда эса химиотерапия курсини олишга нисбатан пациент томонидан маъсулиятсиз муносабатда бўлганидир.

Шундай қилиб, таққослаш гуруҳида операциядан кейинги даврда жигар эхинококкози рецидивининг асосий сабаби беморларда жигарнинг қўшимча диффуз зарарланиши (68%) туфайли альбендазолнинг токсик таъсири бўлган бўлган ёки химиопрепаратни қабул қилишда (32%) пациент маъсулиятсиз муносабатда бўлган.


Диссертациянинг «**Эхинококкоз рецидивини профилактикасида альбендазол самарадорлигини экспериментал-морфологик жиҳатдан асослаш**» деб номланган тўртинчи боби табиий шароитда эхинококкоз билан касалланган тажриба ҳайвонларининг (32 та қўй) ички аъзоларини

морфологик ўрганиш йўли билан турли дозадаги альбендазолни эхинококкознинг эмбрион формаларига таъсирини ўрганишга бағишланган.


Экспериментал тадқиқотлар орқали шу нарса аниқланганки, жигарнинг макроскопик аниқланган катта кисталардан узоқ қисмида катта киста олиб ташлангандан кейин ўсиши мумкин бўлган микроскопик эмбрион цисталар аниқланган (3-расм), бу операциядан кейинги даврда фиброз капсулага етарли даражада антипаразитар ишлов берилишига қарамасдан химиотерапия ўтказилиши зарурлигини тасдиқлаган.

Альбендазол билан 2 ҳафта давомида тана вазнига нисбатан кунига 10-15 мг дозада ва 3 ҳафта давомида тана вазнига нисбатан кунига 5-7 мг дозада химиотерапия ўтказиш паразитнинг эмбрион кистаси атрофида пролифератив-продуктив хужайрали реакцияларни кучайишига олиб келиши эхинококк сколексларига нисбатан салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқлиги ва уларнинг ўлимига олиб келишини кўрсатган (4-расм).

Олдиндан эхинококкоз билан касалланган ва 2-3 ҳафта давомида турли дозаларда альбендазол билан даволаш олиб борилган қўйларнинг жигари микроскопик текширилганда қуйидаги ўзгаришлар аниқланган: икки ҳафта давомида препарат дозаси оширилишига қараб хужайрали микромуҳит ривожланишининг ошиши аниқланган; ҳайвонлар тана вазнига нисбатан 2 ҳафта мобайнида 10-15 мг дан ва 3 ҳафта мобайнида тана вазнига нисбатан 5-7 мгдан таъсир қилинган қўйларда эхинококк капсуласи эмбриони атрофида макрофаг хужайрали реакция ривожланишининг деярли бир хилдаги ўхшаш структураси аниқланган.



3-расм. Альбендазол билан даволанмаган қўйларнинг жигари. Бир-бирига яқин жойлашган микроскопик ўлчамдаги ҳосил бўлган эмбрион кисталар. Г-Э билан бўялган. 10×40 марта катталаштирилган.



4-расм. 3 ҳафта давомида альбендазолнинг тана вазнига нисбатан 5-7 мг дан химиотерапия ўтказилган қўйнинг жигари. Ҳосил бўладиган янги кисталарнинг емирилиши. Г-Э билан бўялган. 10×20 катталаштирилган.

Экспериментал тадқиқотлар натижалари альбендазол билан 2 ҳафта давомида тана вазнига нисбатан 10-15мгдан дозада ва 3 ҳафта давомида 5-7 мг дозада даволаш паразитнинг эмбрион кистаси атрофида пролифератив-продуктив хужайрали реакцияларни кучайишига олиб келиши эхинококк сколексларига нисбатан салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқлигини кўрсатган.

Экспериментал тадқиқотлар натижалари альбендазол тана вазнига нисбатан 10-15 мг дан 2 ҳафта мобайнида ва тана вазнига нисбатан 5-7 мгдан 3 ҳафта мобайнида даволаш паразитнинг эмбрион кистаси атрофида пролифератив-продуктив хужайрали реакцияни кучайтиришга ёрдам бериши эхинококк сколексларини ўлдириши билан изоҳланган. Альбендазол билан 2 ҳафта давомида тана вазнига нисбатан 10 ва 15 мгдан даволанган қўйларда эмбрион киста атрофида хужайра – макрофал реакцияси камроқ сезилади ва хитин қобик қалинлашади.

Эхинококкоз билан касалланган ва альбендазол билан 3 ҳафта давомида даволанган қўйларнинг биокимёвий қон таҳлили шуни кўрсатдики, альбендазол тана вазнига нисбатан 5-7 мг дозада организмга токсик таъсирларсиз етарли даражада самарали терапевтик дозадир.

Диссертациянинг «**Жигар эхинококкози рецидивини хирургик даволаш усуллари ва химиотерапияни такомиллаштириш**» деб номланган бешинчи бобида жигар эхинококкози билан 441 нафар операция қилинган беморлар маълумотларининг таҳлили келтирилган.

2012-2016 йилларда операция қилинган беморларнинг 252 таси таққослаш ва 2017-2021 йилларда 189 таси эса тадқиқотнинг асосий гуруҳини ташкил этган. Жигардан эхинококкэктомия – органни сақлаб қолиш операциясини бажариш устувор деб ҳисобланган.

Эхинококкэктомия бажариладиган барча ҳолатларда аралашувнинг умум қабул қилинган босқичлари навбатма навбат бажарилган: киста пункция қилинган, суюқлиги аспирация қилинган, сўнгра цистотомия ва хитинэктомия бажарилган.

Хитин қобик таркиби аспирация қилиниб, унинг бўшлиғига 60⁰С гача қиздирилган глицерин юборилган, керакли экспозицияда ушлаб турилгач, гермицид қайта сўриб олинган, ундан сўнг киста бўшлиғи очилган ва хитин қобикни олиб ташлаб, фиброз капсула бўшлиғига глицериннинг иссиқ эритмаси билан 5 минут мобайнида ишлов берилган. Фиброз қобикқа адекват ишлов берилганлигига ишонч ҳосил қилинган, қолдиқ бўшлиқни бартараф қилишга киришилган.

Кузатувларда қолдиқ бўшлиққа 77,6%, яъни $\frac{3}{4}$ ҳолатда ёпиқ эхинококкэктомия тарзида ишлов берилган ва фақат 22,4%, яъни $\frac{1}{4}$ ҳолатда қолдиқ бўшлиққа дренаж қолдириш орқали ярим ёпиқ усулда ишлов берилган. Паразит ётоғини бартараф этиш ярмидан ортиқ, яъни 63,3% ҳолатда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси

мутахассислари томонидан тавсия этилган модификациялаштирилган усул бўйича амалга оширилган (5-расм).

Ушбу усул асосан катта кисталарни даволаш учун ишлатилганлигини ҳисобга олиб, усулни ўзлаштириш даврида манипуляция кўпинча қолдиқ бўшлиқ тубини дренажлаш билан тўлдирилган. Шундай қилиб, 2012-2016 йилларда операция қилинган беморларда қолдиқ бўшлиқни клиника усулида ярим ёпиқ усул орқали бартараф қилишга 29,5% ҳолатларда ҳаракат қилинган бўлса, хирургларда чўктирувчи чокларни қўйиш бўйича тажриба ва ишончни ортиши эвазига бу усулнинг ишончлигини ҳисобга олиб бундай аралашувнинг улуши ҳозирги кунда 5,1% дан ошмайди.

Шу муносабат билан яна бир тенденция ҳам эътиборга лойиқдир: агар таққослаш гуруҳида қолдиқ бўшлиқни зич қилиб ёпиш улуши 70,5% ни ташкил этган бўлса, сўнги йилларда қолдиқ бўшлиқни дренаж қолдирмасдан бартараф қилиш 94,9% ҳолатда бажарилмоқда, бу ҳолатнинг ярмидан кўпи деярли катта кисталарга тўғри келиб, операция мобайнида клиника усули қўлланилмоқда (6-расм).



А.



Б.



В.




Г.

5-расм. СамДУ клиникаси модификациясида чўктирувчи чокларни қўйиш босқичлари: А) жигар ўнг бўлагидаги қолдиқ бўшлиқ; Б) хирургга нисбатан қолдиқ бўшлиқнинг ўнг деворига чўктирувчи чокларни қўйиш; В) капсуланинг чап деворига чокларни қўйиш; Г) қолдиқ бўшлиқни якуний тикиш босқичи.

Операциядан кейинги асоратларнинг суръати 2 баробарга, яъни 9,9 дан 4,7% гача пасайди. Қолдиқ бўшлиқни йиринглаши, лапаротом жароҳатни

йиринглаши, ўт йўллари оқмалари ва диафрагма ости абсцессларининг ривожланиши каби асоратлар анча кам учрай бошлади. Назорат гуруҳи билан солиштирилганда операциядан кейинги стационар даволаш муддати 2 баробарга камайди – $12,2 \pm 1,2$ дан $6,1 \pm 0,3$ кунгача.



6-расм. Таққослаш гуруҳларида жигардан ёпиқ ва яримёпиқ ЭЭ суръатининг ўзаро нисбати

Оператив даволашдан кейин 1 ойдан кам бўлмаган муддатда альбендазол билан химиотерапияни бошладик. Таққослаш гуруҳида барча 252 беморга операциядан кейинги химиотерапия анъанавий схема бўйича тавсия этилган. Даволаш пайтида химиотерапиянинг биринчи курсидан кейин АСТ ва АЛТ ўртача концентрацияси мос равишда $0,55 \pm 0,05$ ва $0,88 \pm 0,08$ ммоль/лгача ошиши қайд этилган. 13 (5,1%) беморда паренхиматоз сариклик кузатилган, 30 (11,9%) беморда диспептик симптомлар қайд этилган ва 12 (4,8%) беморда тикланувчи алопеция кузатилган, бунда 32 (12,7%) ҳолатда профилактик даволашни бекор қилиш талаб қилинган.

Шуни таъкидлаш лозимки, трансминазанинг кўпайиши жигар касалликлари билан оғриган ёки илгари оғриган беморлар учун хос. 32 (12,7%) беморларда кўшимча жигарнинг сурункали диффуз патологияси мавжудлиги аниқланган. Ушбу фактни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотнинг учинчи бобида келтирилган тажрибалар асосида, асосий гуруҳда альбендазолнинг дозаси жигарнинг дастлабки функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилган. Жигарнинг тасдиқланган диффуз шикастланиши билан, шунингдек, жигар ферментларининг дастлабки (операциягача) кўпайиши билан альбендазол кунига тана вазнига нисбатан 5-7 мгдан қўлланилган. Ўз навбатида, қоннинг биохимик кўрсаткичларини ўзгариши

ёки альбендазолнинг стандарт дозаси фонида токсик таъсирининг клиник кўриниши билан беморларни даволаш схемаси ҳам тана вазнига нисбатан 5-7 мггача ўзгартирилган.

Асосий гуруҳда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари 59 (31,2%) беморларда аниқланган.


Дастлаб 28 беморда альбендазолнинг камайтирилган дозалари қўлланилган, ўз навбатида яна 31 беморда биохимик кўрсаткичларни ўзгариши туфайли анъанавий дозани камайтириш талаб қилинган. Умуман олганда, тавсия этилган схема бўйича альбендазол билан химиотерапияни асосий гуруҳдаги 59 бемор олган. Альбендазолнинг ноҳўя таъсири кузатилган беморларда дозани коррекция қилиш биохимик кўрсаткичларни нормаллаштиришга ва химиотерапия фонида препаратнинг токсик таъсири кўринишлари хавфини камайтиришга ёрдам берган.

Клиник ва лаборатор кўрсаткичлари бўйича альбендазол билан химиотерапия пайтида ноҳўя реакцияларнинг ривожланиш эҳтимоли 52,7% ни (таққослаш гуруҳида 59 бемор) ташкил этган, бу препаратнинг токсик таъсири ва жигарнинг диффуз патологияси билан боғлиқ бўлиб, бунда 14,3% ҳолатда препаратни бекор қилиш талаб қилинган бўлса, ўз навбатида дозани коррекция қилиш ушбу қийматни 18,3% гача (асосий гуруҳда 21 бемор) камайтиришга ва шунга мос равишда антипаразитар терапиянинг тўлиқ курсини таъминлашга имкон берган (χ^2 мезони=26.703; $p<0,001$). Жигар трансaminaзалари мониторинги ҳам таққослаш гуруҳида ушбу кўрсаткичларнинг ишончилигини кўрсатган.

Шундай қилиб, таққослаш гуруҳида АЛТ миқдори асосий гуруҳдаги $0,51\pm 0,04$ ммоль/л га нисбатан $0,88\pm 0,08$ ммоль/л ни ташкил этган ($p<0,001$), АСТ кўрсаткичлари сезиларли даражада фарқ қилмаган, шу билан бирга жигарнинг сурункали патологиялари мавжуд беморларда АЛТ қийматлари $0,62\pm 0,05$ ммоль/л га нисбатан $1,14\pm 0,11$ ($p<0,001$) ва АСТ қийматлари $0,52\pm 0,04$ ммоль/л га нисбатан $0,72\pm 0,07$ ($p<0,05$) ташкил этган.

Узоқ муддат давомида текширилган 336 нафар беморнинг 52 нафарида эхинококкознинг қайталаниши кузатилган бўлса, бунда 2012-2016 йилларда операция қилинган беморлар гуруҳида бу кўрсаткич 18,6% 47 нафар беморга етган. Кейинчалик касаллик профилактикаси борасида юқорида кўрсатилган тадбирларни қўллаш туфайли касалликнинг қайталаниш суръати асосий гуруҳда 2,6% гача камайган – 5 нафар беморда кузатилган (χ^2 мезони=4.692; $p=0,031$) - 7-расм.

Бирламчи кистанинг локализациясидан қатъий назар касаллик қайталанишининг аниқлаш чўққиси 3-6 йилга тўғри келган, шундан сўнг операция қилинган бир нечта беморларда эхинококкознинг қайталаниши кузатилган. Бирламчи операциядан 9-12 йил ўтгач аниқланган эхинококкознинг қайталаниши билан оғриган 3 (14,3%) беморларда кисталар диаметри 6 смдан ошмаган, улар кўпинча 3-5 см катталиқда бўлиб ҳақиқий рецидивдан кўра кўпроқ реинвазиядан далолат беради. Операция қилинган барча беморларни 7 йил давомида мажбурий диспансер кузатуви зарур, деб ҳисобланган.



7-расм. Асосий ва таққослаш гуруҳларида операциядан кейинги яқин даврдаги асоратлар ва жигар эхинококкози рецидиви қиёсий таҳлили

Шундай қилиб, жигар эхинококкозини хирургик йўли билан даволаш тактикасини оптималлаштириш кириш йўли, даволаш усулини танлаш ва қолдиқ бўшлиқни бартараф қилиш, шунингдек профилактик химиотерапияни ҳисобга олган ҳолда комплекс ёндашув даволаш сифатини яхшилашга ёрдам берган ҳамда профилактик химиотерапия операциядан кейинги яқин асоратларни таққослаш гуруҳида 9,9% дан асосий гуруҳда 4,7% гача (χ^2 мезони=4.954; Df=1; p=0,027) ва касаллик қайталанишини 18,6% дан (таққослаш гуруҳидаги 47 бемор) 2,6% гача (асосий гуруҳдаги 5 беморда) камайтириб кўрсатиладиган ёрдам сифатини яхшилашга имкон берган (мезон $\chi^2 = 4.692$; Df=1; p=0,031).

ХУЛОСА

1. Таққослаш гуруҳида жигар эхинококкози қайталанишининг асосий сабаби жигарнинг кўшимча диффуз патологиялари мавжуд беморларда альбендазолнинг токсик таъсири туфайли операциядан кейинги даврда беморлар химиотерапиядан воз кечиши ёки уларда маъсулиятсизлик муносабатида бўлишидир.

2. Тажрибада жигарнинг макроскопик аниқланган катта кисталардан узоқ қисмида катта киста олиб ташлангандан кейин ўсиши мумкин бўлган микроскопик эмбрион цисталар аниқланган, бу операциядан кейинги даврда фиброз капсулага етарли даражада антипаразитар ишлов берилишига қарамасдан химиотерапия ўтказилиши зарурлигини тасдиқлайди. Альбендазол билан 2 ҳафта давомида тана вазнига нисбатан 10-15 мг дозада ва 3 ҳафта давомида 5-7 мг дозада химиотерапия ўтказиш паразитнинг

эмбрион кистаси атрофида пролифератив-продуктив хужайрали реакциялар кучайишига олиб келиши эхинококк сколексларига нисбатан салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқлиги ва уларнинг ўлимига олиб келишини кўрсатди.

3. Жигарнинг сурункали диффуз патологияси бўлган беморларда жигар эхинококкози қайталанишини олдини олиш учун тавсия этилган тана вазнига нисбатан кунига 5-7 мг дозада коррекция қилинган курсни 28 кундан 4 курсга ва курслар оралиғи 14 кундан танаффус билан узайтириш альбендазол курсининг самарадорлиги клиник жиҳатдан тасдиқланди.

4. Жигар эхинококкози билан беморларни комплекс хирургик даволашда химиотерапия курсини оптималлаштириш орқали ёпиқ эхинококкэктомиядан устувор фойдаланиш операциядан кейинги асоратларни 9,9% дан 4,7% гача ва касалликни қайталанишини 18,6% дан 2,6% гача сезиларли даражада камайтириш орқали даволаш натижаларини яхшилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

Мизамов Фуркат Очилович

**ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ И
ХИМИОТЕРАПИИ В ПРОФИЛАКТИКЕ РЕЦИДИВА
ЭХИНОКОККОЗА ПЕЧЕНИ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан за B2022.2.PhD/Tib2901.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Курбаниязов Зафаржан
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Уроков Шухрат Тухтаевич
доктор медицинских наук

Акбаров Миршавкат Миралимович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

ФГБУ Национальный медицинский научный хирургический центр имени А.В. Вишневского
(Российская Федерация)

Защита состоится «__» _____ 2023 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200100, Республика Узбекистан, г.Бухара, пр-т.Навай,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 200100, Республика Узбекистан, г. Бухара, пр-т. Навай,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2023 года).

А.Ш. Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Н. Казакова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по медицинским наукам (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, в мире эхинококкозом поражено более 1 млн человек, при этом среди различных органов и тканей в 44-84% случаев процесс локализуется в печени. В связи с отсутствием тенденции к снижению числа больных и существованием эндемичных регионов, где показатель заболеваемости варьирует от 1,2 до 9,0 на 100.000 населения это паразитарное заболевание продолжает оставаться серьезной медицинской и социальной проблемой. На современном этапе диагностика эхинококкоза печени не представляет значительных трудностей, во многом благодаря появлению методов неинвазивной визуализации, информативность комплексного применения которых достигает 95-100%. «Достаточно высокая частота послеоперационных осложнений (12-34%) и многочисленные случаи послеоперационных рецидивов заболевания (15-64%) свидетельствуют о недостаточной эффективности и надежности распространенной хирургической тактики»¹. В свете вышеизложенного становится очевидной необходимость усовершенствования известных и разработка новых эффективных мер профилактики и лечения этого грозного заболевания.

В мировой практике проводится целый ряд целенаправленных научных исследований, направленных на изучение морфо-функциональных критериев оценки тяжести течения заболевания, в том числе, изучение влияния эхинококкового паразита на морфофункциональные изменения в гепатоцитах, степень которых варьирует от незначительных нарушений вплоть до цирроза печени. Продолжаются исследования по изучению сложной защитной реакции млекопитающих, нацеленной на изменение иммунного ответа хозяина и препятствующей их элиминации, при которой паразит минимизирует воздействие системы иммунитета путем выработки иммуномодулирующих молекул, создавая тем самым помехи в активности системы комплемента, изменяя функционирование лейкоцитов или используя феномен молекулярной мимикрии. Особо приоритетными являются вопросы изучения климатических, географических, социальных и экономических условий на формирование зоонозных очагов с разной степенью напряженности эпизоотических процессов, в связи с тем, что заболеваемость людей эхинококковой болезнью прямо пропорционально коррелирует с этими факторами риска.

В настоящий период в отечественном здравоохранении предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В связи с этим в 5-цели 4-части 7 приоритетных направлений Стратегии развития Нового Узбекистана 2022-2026 годов поставлены задачи по «... выполнению комплекса мер, направленных на

¹ Чжао А. В., Икрамов Р. З. Хирургическое лечение эхинококкоза печени //Хирургия. Приложение к журналу Consilium Medicum. – 2016. – №. 2. – С. 15-17.

осуществление программы по охране здоровья населения, повышению потенциала медицинских работников и развитию системы здравоохранения, предназначенной на 2022-2023 годы...»². Соответственно, повышение качества лечения за счет снижения возможных осложнений за счет совершенствования хирургической тактики при лечении больных эхинококкозом печени считается одним из актуальных направлений исследований.

Данное диссертационное исследование основано на Постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 года № УП-6110 «О мерах по внедрению совершенно новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых реформ в системе здравоохранения» и Постановления № 60 от 28 января 2022 года – «о стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения» и № УП-4891 от 12 ноября 2020 г. «О дополнительных мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности медицинских профилактических работ» и другие нормативно-правовые документы, связанные с данной деятельностью, поданные в определенном объеме для выполнения поставленных задач.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Несмотря на значительный прогресс в диагностике и лечении эхинококкоза в настоящее время частота встречаемости этого заболевания остается достаточно высокой. Так по мнению Du L. et al. (2019) вопросы ранней диагностики эхинококкоза пока не нашли удовлетворительного решения, что связано с отсутствием симптоматики у больных на ранних стадиях заболевания.

